



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 90 (12.401)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



БИТИРУВЧИЛАР КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

Ушбу тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар Кенгаши, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ташкил этилди. Унда пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари ва бир қатор ўқув марказлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди. Бундай тадбирлар, шубҳасиз, ёшларнинг ҳар томонлама етуқ мутахассис бўлиб камол топиши ва уларнинг ишга жойлашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, юртимизда таълим соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилиш бўйича узок кўзлаган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётир.

Давлатимиз томонидан ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ қафолатлаш, уларнинг

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бонига академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун «Биз Президент фарзандларимиз!» шиори остида «Мутахассислик сайли» лойиҳаси бўлиб ўтди.

таълим олиши ва бандлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ахорр Муҳаммадбоқиев. — Бу борада тегишли қонунчилик асослари яратилиб, такомиллаштирилмоқда, ёшлар, хусусан вояга етмаганлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи институцион тузилмалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ёшларни эзгулик ғоялари руҳида муносиб тарбиялаш, маънавиятини, дунёқарабини янгилаш, уларга таълим бериш сифатини яхшилаш, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эди белгиланган. Бинобарин, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу усуб келаётган ёш авлодимиздир», деган сўзларида Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган.

Бугун ҳар бир йигит-қиз ўзи хоҳлаган олий ўқув юртида ўқиши, билимини янада мустаҳкамлаши, замонавий ахборот технологиялари сир-асрорларини чуқур ўрганиши, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши ва касб-хунар эгаллаши учун улкан имкониятларга эга. «Мутахассислик сайли» лойиҳаси ҳам ёшларнинг бу борадаги имкониятларини янада кенгроқ ишга солишлари учун қулай шарт-шароит яратмоқда.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад пойтахтимиздаги етакчи олий таълим муассасаларида мавжуд бўлган касб ва мутахассислик йўналишлари билан академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини таништириш ва касб танлаш имкониятини яратиш, битирувчиларни ўзлари истаган касбни танлашга қўмаклашиш, бўш иш жойлари ҳақида ёшларга маълумотлар бериш ва уларнинг бандлигини таъминлашдир.

(Давоми 2-бетда)

Тошкентда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ҳуқуқий тажрибани амалга оширишнинг назарий ҳамда амалий масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА — МУВАФФАҚИЯТЛИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАСИДИР

Онлайн-видеоконференция шаклида ўтган мазкур тадбирда депутатлар, мамлакатимиз ва АҚШ, Франция, Буюк Британия, Венгрия каби давлатлардан халқаро экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий тажрибани ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев ҳамда бошқалар ҳуқуқий тажриба ўтказишни амалиётга жорий этиш мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш бўйича муваффақиятли амалга оширилаётган жараёнлар натижаси эканини таъкидлади.

Айни пайтда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти-

нинг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормалари синовдан ўтказилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий ҳаётни янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Қонун лойиҳасида жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедура-си белгиланган, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишни таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг ушбу қарорлар сифати учун масъулиятини оширишга хизмат қилади.

(Давоми 3-бетда)

САРМИШСОЙ: АСРЛАРНИНГ БОҚИЙ САДОСИ



Навоий вилояти Навбахор туманида 4-5 май кунлари «Асрлар садоси» аъёнавий маданият фестивали бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида асрий аъёналаримиз, муқаддас қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 2008 йилдан буён аъёнавий ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» фестивалидан кўзланган асосий мақсад қадимий урф-одат ва аъёналаримиз, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг турли йўналишларини халқимиз, кенг жамоатчилик, хорижий меҳмонларга яқиндан таништиришдан иборатдир.

Бу йилги фестивалнинг Сармишсойда ўтказилишида ўзига хос маъно бор, албатта. Тарихимизнинг бебаҳо ёдгорликларини ўзида мужассам этган мазкур музей-қўриқхона мамлакатимиз тарихига қизиқувчилар ва сайёҳларни жалб этиб келаётир. Сойнинг икки соҳилидаги қоятошларга ишланган ўн мингдан ортиқ петроглифлар аждодларимиз маданиятининг тараққиётини акс эттирган. Жумладан, тош асарларда оловнинг кашф этилиши, ёввойи ҳайвонларни хонақилиштириш давлари, чорвачилик маданияти тарихи ва ов жараёнлари тасвирланган.

(Давоми 4-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий шаҳрида «Ўзбекистонда сайлов жараёнларини янада демократлаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинарда сайловларни янада демократлаштириш, сайлов комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш, сайловларга тайёргарлик ишлари мониторингини олиб бориш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан сиёсий партияларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

• Қашқадарё вилоятида Обод турмуш йилга бағишлаб «Ўзбекино» миллий агентлиги ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбек миллий кино санъати кунлари бўлиб ўтди. Кино санъати кунлари доирасида бир қатор янги фильмлар намойиш этилди. Уларда тасвирланган меҳр-оқибат, Ватанга садоқат ғоялари, ёшлар тарбиясига таъсир этувчи ибратли лавҳалар кино санъати муҳлисларида катта таассурот қолдирди.

• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар бўлими томонидан Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган «Инсон — азиз, хотира — муқаддас!» мавзусида икки авлод учрашуви ўтказилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этган мазкур тадбирда кекса авлод вакиллари ўзларининг ҳаёт йўллари, уруш даври қийинчиликлари ҳақида ҳикоя қилиб, тинчлик-осойишталик энг катта бойлик, бахт эканлигини таъкидладилар.

• Марказий ҳарбий округнинг Фориш дала-ўқув майдонида ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасидаги «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мусобақада ёшларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган турли учрашув ва маърифий тадбирларда ҳам фаол иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Хитой АҚШнинг ўрнига жаҳондаги шахсий компьютерлар бозорида етакчилик макомига эга бўлди. Яъни, IHS ҳисоботида кўрсатилишича, 2012 йилда Хитойда 69 миллион донна шахсий компьютерлар сотилган бўлса, АҚШда бу кўрсаткич 66 миллионни ташкил этди. Қизиғи шундаки, америкаликлар автомобилларни сотиш борасидаги етакчиликни ҳам Хитойга бундан бир неча йил аввал топширган эдилар. Компьютер тармоғи экспертлари Хитойда бу борада катта салоҳиятни кўришмоқда.

• Спорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур «Adidas» компанияси жорий йилнинг биринчи чорагида 308 миллион евро миқдорида соф фойда олди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига солиштирганда олти фоизга кўпдир. Компания ушбу даромадни ёрдамчи фаолиятдан, яъни молиявий операциялар ҳисобида ортирган. Савдо-сотик ишлари эса йилнинг дастлабки уч ойида сустроқ кечган.

• Иркутск областида бортида 10 киши бўлган Ми-8 русумли вертолёт бедарак йўқолган.

• Саудия Арабистонида рўй берган сув тошқинлари катта муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, тошқинлар натижа-сида ҳалок бўлганлар сони 25 кишига етди. Икки киши эса бедарак йўқолган.

• ФИДЕ қарорига кўра шахмат тожи учун ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ҳамда норвегиялик Магнус Карлсен ўртасидаги баҳс жорий йилнинг ноябрь ойида Ченнай (Ананд туғилган шаҳар)да уюштирилиши белгиланди.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ МАЖИЛИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлисининг Халқаро ҳамкорлик, мудофаа ва хавфсизлик бўйича қўмитаси раиси М.Ашимбаев раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Қозоғистон Республикаси парламент делегацияси мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг раҳбарияти билан учрашди. Делегация, шунингдек, мамлакатимиз парламенти қўйи палатасининг тегишли қўмиталарида музокаралар ўтказди, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Учрашувларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, Олий Мажлис ва сиёсий партиялар тузилмаси ва фаолияти тўғрисида атрафлича маълумотлар берилди, улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

Дўстона руҳда ўтган учрашувлар чоғида томонлар ўзаро алоқаларни изчиллик билан давом эттириш истагини билдирди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Наврўз садолари» овозли

миллий чолғу ансамбллари-нинг VI республика фестива-ли бошланди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманида-ги «Кўркамобод» маҳалласи-

да Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан «Хотира абадий — хотира муқаддас» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** шаҳримиздаги 147-умумтаълим мактабида «Эъзоздасиз ҳамиша» деб номланган тадбир ўтказила-ди.

БИТИРУВЧИЛАР КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айтиш кераки, 2013 йил 12 апрелда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Мутахассислик сайли» лойиҳасини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида алоҳида фармойиши қабул қилинган эди.

Ушбу фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 23-27 апрель кунлари умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳрининг барча туманларида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари томонидан умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчилари иштирокида кўргазмалар тadbирлар ташкил этилган эди. Мазкур тadbирларнинг иккинчи босқичи сифатида «Мутахассислик сайли» лойиҳасида эса пойтахтдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг қирқ минг нафардан зиёд битирувчилари ва 5 минг нафарга яқин маҳалла ёшлари иштирок этди.

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотларига кўра, тadbирда пойтахтимиздаги бир юз йигирмадан зиёд корхона ўзининг жами 14200 дан ортиқ, ёшлар учун мўлжалланган 7000 га яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Ушбу сайил пойтахтимиздаги корхона, ташкилот, муассаса, завод ва фабрикаларда мавжуд бўш иш ўринлари учун номзодларни танлаб олишда яхши имконият яратмоқда. Бу ерда нафақат таълим муассасаларини битираётган йигит-қизлар, балки тажрибали мутахассислар ҳам ўзлари истаган ишни топишга муваффақ бўлиши мумкин.


– Мазкур тadbирда корхонамиз бир нечта мутахассисликлар бўйича иш ўринлари тақдир этмоқда, – дейди «Оникс фарфор» қўшма корхонаси мутахассиси Комила Ортикова. – Иш берувчи билан бевосита танишиш талабгор учун катта аҳамият касб этади. «Мутахассислик сайли» лойиҳаси бу борада яхши имкониятдир.

Мамлакатимиз корхоналарига ўрта махсус таълим олган ёшлар муайян касб-хунарни пухта эгаллаб, ишлаб чиқариш жараёни асосларини яхши билган ҳолда тайёр мутахассис сифатида келмоқда. Йигит-қизлар касб-хунар коллежларида умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорига талаб катта бир нечта касб-хунарни эгаллаш имкониятига эга.

– Сергели туманидаги Молия коллежининг учинчи босқичида тахсил олялман, – дейди Абдуваҳоб Абдулазизов. – Ушбу кўргазма биз, ёшлар учун пойтахтимиздаги олий ўқув юртлири билан яқиндан танишиш борабарада, ўзимизга маъқул иш топиш учун ҳам катта имконият яратмоқда. Мен бугун Халқ банкнинг Миробод тумани филиалига йўлланма олдим. Ўқишимни тамомлаб Халқ банкда ишламоқчиман.

Шунингдек, тadbирда шахримизда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари талабалар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида маълумот берувчи кўргазмалари билан иштирок этишди.

– Университетимизда учта факультет бўлиб, уларда 1056 нафар талаба тахсил олмақда, – дейди Жаҳон



иктисодиёти ва дипломатия университетининг «Қамолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Фаррух Усмонов. – Бугун биз ўз йўналиши бўйича Ўрта Осиёда ягона ҳисобланмиш университетимиз ва унда тахсил оладиган талабалар учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида битирувчиларга маълумот бермоқдамиз. Ўйлайманки, уларнинг аксарияти бизнинг олийгоҳда ўқишни давом эттиради.

Икки кун давом этган кўргазмалар тadbирда кўплаб ёшларимиз ўзлари севган касбда ишлаш учун йўлланмаларга эга бўлди. Аксарият битирувчилар эса қишнинг таълимнинг кейинги босқичи – олий таълим муассасаларида давом эттириш учун маълумот ва маслаҳатлар олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

СУРАТЛАРДА: «Мутахассислик лойиҳаси» сайли мана шундай қизиқарли ўтди.

Ислом Исмоилов олган суратлар

ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон

Республикаси ИИБ

Транспортдаги ИИБ Инсон

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

ва юридик таъминлаш

бўлими ташаббуси

билан «Ўзбекистон ҳаво

йўллари» Миллий

авиакомпанияси «Кетринг»

давлат унитар

корхонасида

«Фуқароларимиз тинчлиги

учун барчамиз масъул»

мавзусида давра суҳбати

бўлиб ўтди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ҳамда «Кетринг» давлат унитар корхонасининг 80 га яқин хизматчи-ҳодимлари иштирок этган тadbирда мамлакатимизда соғлом ва барқарор авлоднинг тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни тарбиялашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ички ишлар идоралари томонидан фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида сўз борди. Терроризм ва диний экстремизм ҳақида тушуналар берилиб, аҳолини огоҳликка чиқариш, уларда хавфсизлик ҳиссини шакллантириш каби масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи Суннат Шеровнинг «Инсон ҳаёти ва эркинлиги эъзозга лойиқ, уни таҳқирлашга ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ» номли маърузаси тингланди. Унда сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари юқорилаб бораётгани, бундан қўрқолган ёвуз, яширин қўллар минтақамиздаги барқарор вазиятга турли йўллар билан таҳдид солишга уриналган қўшни республикалар мисолида кўриб чиқилди ва ҳар бир фуқаро ўзининг атрофида содир бўлаётган воқеаларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги, шубҳали ҳолатларда Ишонч телефонлари га мурожаат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Шундан сўнг айрим Шарқ давлатларида содир бўлаётган мудҳиш воқеалар, қонли тўқнашувлар сабаблари ва оқибатлари акс этган «Тинчлик учун курашмоқ керак» номли видеофильм намойиш этилди. Фильмда турли қудратли мамлакатларнинг ўз манфаатлари йўлида табиий ресурсларга эгалик қилиш ва гео-сийсий муҳим минтақаларни бошқаришга бўлган интилишлари фотиш этилган.

Тadbир сўнггида ишчи-ҳодимлар мавзуга оид ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Одилбек ОТАБЕКОВ

«Тadbиркорлик фаолияти йўлига тўсиқ қўйиш, унга қарши чиқиш – бу давлат сиёсати, Президент сиёсати қарши чиқиш, деб баҳоланиши керак». Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш, тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қафолатига айланди.

Бу масалага прокуратура органлари фаолиятида ҳам устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Прокуратура органлари томонидан тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати раҳбари, қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи Гулноза РАХИМОВА. – Бу борада 2012 йилда ўтказилган назорат тadbирларида 2,3 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, тadbиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Прокуратура органлари томонидан тadbиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда. 2012 йилда мамлакатимиз бўйича ушбу йўналишда 31 мингга яқин тadbир ўтказилди. Натижада ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишнинг сўраб прокуратура органларига мурожаат қилаётган тadbиркорлар сани кенгайиб бораётган. Ўтган йили 134 нафар тadbиркорнинг ҳуқуқий уларнинг ариза ва шикоятларини ҳал қилиш орқали тиклангани бунинг тасдиғидир.

Тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқий бузилган ҳолатларни тезда аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида прокуратура органларида кўп каналли телефон алоқасининг махсус линияси – «ишонч телефони» фаолияти йўлга қўйилган.

«Ишонч телефони»га туман ва шаҳарларда «007», Тошкент шаҳрида эса «1007» қисқа рақамини териш орқали кўнгирок қилиш мумкин. Бу кўнгироклар фақат «Ўзтелеком» телефон тармоқлари орқали амалга оширилади. Шунингдек, «Ишонч телефони» билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар прокуратураларида ҳам алоҳида «ишонч телефони» ташкил қилинганлиги, уларга истаган телефон тармоғи орқали боғланиш мумкин.

Бундан аҳолини хабардор қилиш мақсадида изчил чора-тadbирлар қўрилмоқда. Хусусан, Бош прокуратура томонидан бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам эълонлар бериб боришмоқда. Бундан ташқари, «Тadbиркорлик фаолияти қонун ҳимоясида» видео ва радиороликлар марказий ва вилоят телерадиоканаллари орқали мунтазам эфирга узатишмоқда. Шунингдек, Бош прокуратура томонидан тadbиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида «Барчаси сезиниш ҳуқуқларинингиз ҳақида» мавзусида ахборотномалар тайёрланиб, аҳолига етказилмоқда. Ушбу тўпладан «ишонч телефони» орқали тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини ўз вақтида ва тезкорлик билан таъминлашга оид бўлган ҳам ўрин олган.

Ушбу йўналишда тadbиркорлик субъектларидан тушаётган ҳар бир мурожаат «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ кўриб чиқилмоқда.

Бугунги кунда прокуратура органларидаги «ишонч телефон»лари тadbиркорларимизнинг ишончли ҳимоячиси айланди. Ўтган йили тadbиркорларнинг мурожаатлари сони салкам 1,7 мингтани ташкил этди ва уларнинг 84 фоизи қаноатлантирилди. Бошқача айтганда, прокуратура органларидаги «ишонч телефон»лари тadbиркорлар олдида турган муаммолар

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» — ТАДБИРКОРЛАР ИШОНЧИ

ни зудлик билан ҳал этишда «тез ёрдам» хизмати вазифасини ўтамоқда.

Мурожаатлар мазмунини таҳлил этадиган бўлсак, уларнинг кўпчилигини тadbиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларидан асосси равишда узиб қўйиш, уларнинг мурожаатларини вақтида кўриб чиқмаслик, тadbиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва ноқонуний текширув ўтказиш, кадастр ва лойиҳалаштиришни пайсалга солиш, уларга ноқонуний топшириқ бериш ва мажбурият юклаш каби муаммолар ташкил этади. Худудлар бўйича «ишонч телефони»га тadbиркорлик субъектларининг мурожаат қилиш кўрсаткичи Бухоро, Фарғона, Навоий, Хоразм, Наманган вилоятларида кўпроқ қайд қилинган.

Мисол учун, Наманган вилояти Мингбулок туманидаги «Мебель» хусусий корхонаси раҳбари И.Анафиев электр энергияси асосси узиб қўйилгани ҳақида «ишонч телефони»га мурожаат қилган. Мазкур ҳолат текшириб қўрилганда, тadbиркор фаолиятига асосси равишда тўсиқлиқ қилинганлиги маълум бўлди. Бунга йўл қўйган худудий электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси А.Усмонов маъмурий жавобгарликка тортилди ва корхона электр тармоғига қайта уланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Бегуний тумани «Амиробод» овул фуқаролар йиғинида яшовчи Х.Ғофуров Бегуний тумани ҳокими номига ёзган ариза асосси равишда кўриб чиқилмаётганини билдирган. Ўрганиш асоссида тadbиркорнинг шикоятлари ўринли экани тасдиқланди ва қаноатлантирилди. Ушбу масалада ўз вазифасига совуққонлик билан қараган туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ш.Бекчанов маъмурий жавобгарликка тортилди.

Жойлардаги назорат-текширув органлари томонидан тadbиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқмаслик ҳолатлари ҳам аниқланган. Масалан, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган «Зиргом» хусусий корхонаси

раҳбари А.Обидов «ишонч телефони»га мурожаат қилиб, давлат солиқ инспекцияси томонидан корхонанинг бюджетдан қарзи бор-йўқлиги ҳақида маълумотнома тақдим этилиши пайсалга солиб қелинаётганини маълум қилган. Ушбу мурожаат асоссида тadbиркорнинг талаби қаноатлантирилди ва айбдор – Ҳамза тумани солиқ инспекцияси бўлими бошлиғи М.Тўйчиев интизомий жавобгарликка тортилди.

«Ишонч телефони» орқали баъзан қўпол қонунбузилиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Мисол учун, «Истиклол» хусусий фирмаси раҳбари А.Қодировнинг мурожаати юзасидан ўтказилган текширишда аниқланишича, «Агробанк»нинг Бойсун филиали бошқарувчиси Г.Омондавлатов томонидан мазкур хусусий фирма номидан кредит ажратишни сўраб ёзган аризаси ҳамда бунга тааллуқли бўлган банк ҳужжатлари қалбақлаштирилган. Қонунга зид равишда фирма ҳисобига 21 миллион 250 минг сўм кредит суммаси ажратилган ҳамда унинг розилигисиз бошқа тўлов ҳисобига ундирилган. Тadbиркорга жиддий зиён етказган банк бошқарувчиси нисбатан жиноят иши қўзғатилган ва тегишли тартибда жазоланган.

Бухоро вилоятидаги «Когонкурилиштрассервис» маъсуляти чекланган жамияти раҳбари М.Иброҳимов «Махсуснефтегазқурилиш» унитар корхонаси қарзини тўламаётганини хабар қилган. Текширув натижасида тadbиркорлик субъектларининг салкам 99 миллион сўм маблағини ундириш ҳақида вилоят ҳужалик судига қиритилган даъво аризаси қаноатлантирилган.

Мухтасар айтганда, мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида тadbиркорларга етказилган 87,6 миллион сўмлик моддий зарар қопланди. Судларга 321 миллион сўмликдан ошиб даъво аризалари тақдим этилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 17 жиноят иши қўзғатилди. 87 нафар мансбдор шахс интизомий, маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда бошқа прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Ушбу мисоллардан кўриниб турганидек, тadbиркорларнинг мурожаатлари асоссида уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қўлама тобора ортиб бормоқда. Бунда прокуратура органларининг «ишонч телефони» орқали олиб бораётган фаолиятининг ошқоралиги таъминланганлиги, уларнинг натижалари ҳусусида жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам хабардор этиш бориш амалиёти йўлга қўйилгани ўз самараларини бермоқда.

Хусусан, «Тadbиркорлик фаолияти қонун ҳимоясида» номли видео ва радиороликлар марказий ва вилоят телерадиоканаллари орқали мунтазам эфирга узатишмоқда. Газета ва журналларда «Тadbиркорлик – прокуратура ҳимоясида», «Ишонч телефони – ишончингиз гарови», «Назорат» каби рунклар ташкил этилган.

Бир сўз билан айтганда, прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда олиб бораётган ишлар тadbиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, соҳадаги айрим сунъий тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

ЎЗА МУХБИРИ

НОРГУЛ АБДУРАИМОВА

ёзиб олди

ЖУРНАЛИСТЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» ёшлар мультимедиа телекомплексиди мамлакатимиз электрон оммавий ахборот воситаларининг журналистлари ва техник ходимлари учун Ўзбекистонда дастлабки «On-line тренинг-марказ»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Лойиҳа «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан амалга оширилмоқда. Тadbирда халқаро ташкилотлар, тегишли идоралар, жамоат ва ижодий ташкилотлар вакиллари, хорижий экспертлар, мамлакатимиз нодавлат телерадиоканалларининг ижодий ҳамда техник ходимлари қатнашди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г.Каримова, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухаликов ва бошқалар «On-line тренинг-марказ»лар энг сўнгги мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда, замонавий журналистикани ўргатишнинг янги шаклига айланишини таъкидлади.

Оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш мамлакатимизни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишнинг муҳим шартларидан биридир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсати жамиятнинг сиёсий ва маънавий ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга қаратилган. Журналистларни қўллаб-қувватлаш, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун халқаро стандартларга мос шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, нодавлат электрон медиа-тармоққа замонавий рақамли ва мультимедиа технологияларини жорий этишга доир кенг қўламли чора-тadbирлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишларга нодавлат ташкилотлар, хусусан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси салмоқли ҳисса қўшмоқда. 2008 йилдан буён улар томонидан оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ёшлар медиа-лоиҳалари ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудига нодавлат телерадиостанциялар ҳузурида ёшлар телестудиялари очилмоқда, семинар-тренинглар ва маҳорат сабақлари мунтазам ўтказилмоқда, Ўзбекистоннинг барча жойидан иқтидорли ёшларни бир жойда тўплайдиган медиа-оромгоҳлар ташкил этилмоқда. Маълумотларни ўтказиш учун чет эллик етакчи экспертлар, юқори малакали журналистлар, оператор ва режиссёрлар жалб этилмоқда. Ёш истеъдодли журналистларни қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида Ёшлар медиа-кенгаши ташкил қилинди.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари, ўқувчи-ёшларга журналистика бўйича назарий билимларни масофадан туриб эгаллаш ва уларни ўзининг кейинги фаолиятида мустаҳкамлаш имконини берадиган ноёб тренинг-марказлар тармоғининг ташкил этилиши «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг навбатдаги лойиҳасидир. Ёш журналистларнинг интерфол муроқот қилиши учун мунтазам фаолият кўрсатадиган медиа майдонини ташкил этиш, олис масофадан туриб, он-лайн режимида семинарлар ўтказиш, шунингдек, ёшлар телестудиялари ходимларини янги медиа ҳамда интернет технологиялари билан таништиришга қаратилган ушбу лойиҳа «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилмоқда.

«On-line тренинг-марказ»лар – бу Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятда иқтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш студияларидир. Улар юқори аниқлик билан ишлайдиган аудио ва видеоушқунлар, видеоконференция-алоқа апаратуралари ҳамда бошқа техника билан жиҳозланмоқда. Бутун мамлакатимизни қамраб оладиган ушбу ягона медиа-майдонда локал тренинг ва семинарлар, жойлардаги ёш журналистларнинг билими ҳамда малакасини ошириш учун мавзуга оид ўқув фильмлари намойиш, худудий медиа-кенгашлар йиғилишлари ўтказилади. Келажакда бошқа мамлакатлар билан ҳам он-лайн-конференция-алоқа ўрнатиш режалаштирилмоқда. Бу эса ўзбекистонлик журналистларга хорижий ҳамкасблари билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш имконини беради.

Таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижора ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), ЮНЕСКО, Конрад Аденауэр номлидаги жамғарма ваколатхонаси ҳамда бошқа қўллаб-қувватлаш мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда ҳамкорлар ҳисобланади.

– «On-line тренинг-марказ» бўл офисининг очилиши Жаҳон матбуот эркинлиги кунига тўғри келганда катта рамзий маъно бор, – дейди «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилоти филиалининг директори Мьюша Север (Словения). – Ташкил этилаётган ушбу медиа-майдон Ўзбекистонда журналистикани ривожлантиришнинг янги қирраларини очиб беради. Журналистика соҳасига халқаро экспертларнинг жалб этилиши уларнинг маҳорат ва тажрибасини ўрганишга қўмаклашади. Бугунги тadbирда улар ҳам қатнашмоқда.

Тadbир давомида Бухоро, Қарши, Қўқон, Марғилон, Навоий, Самарқанд, Термиз ва Тўртқўлдаги худудий студиялар билан телекўприк ўрнатилди. Бу худудларда яшаётган йигит-қизлар, шунингдек, у ердаги халқаро экспертлар телестудиялар фаолияти ҳақида ўз фикрларини билдирди, ижодий ютуқ ҳамда муваффақиятлар ҳақида сўзлаб берди. Масалан, Самарқанд ёшлар телестудияси вакиллари СТВ каналдаги ёшлар телекўприкни тақдим этди. «CFI» телеканалининг Навоий вилоятида меҳмон бўлиб турган халқаро эксперти, продюсер ва режиссёр Региз Гезельбаш (Франция) «Forum-TV» телеканали билан ҳамкорликда «Асрлар садоси» фестивали ҳақида суратга олинаётган ҳужжатли фильм ҳусусида сўзлаб берди.

Тadbир якунида иштирокчилар рақамли телекўрсатувларнинг янги босқичига ўтган «NTT» ва «Forum-TV» телеканалларининг янгиланган эфир студиялари билан танишилди.

(ЎЗА)

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Мамлакатимизда ёши улуг инсонларни эъзозлаш, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, саломатлигини асраш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

КЕКСАЛАРИ
ЭЪЗОЗДАГИ ЮРТ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ушбу

Пансионат қошидаги поликлиникада юқори малакали шифокорлар, ижтимоий соҳа хизматчилари, ҳуқуқшунослар томонидан кексаларга зарур тиббий, ижтимоий, ҳуқуқий кўмак кўрсатилаётган.

– Биз нуронийларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизни дуо қилиб, умрлари зиёда бўлишини Яратгандан сўраймиз, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, «Жасорат» медали соҳиби Муҳаммадхон Хусайнов. – Бугунги тинч ва осойишта кунларимизга шукроналар айтамыз.

(ЎЗА)

СУРАТДА: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Муҳаммадхон Хусайнов ва ҳамшира Шаҳноза Раҳматова.

Аъло Абдуллаев олган сурат

ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР
ТАРБИЯЛАНМОҚДА

Яккасарой туманида жойлашган Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ўқув спорт-техника клубида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда тумандаги коллеж ва академик лицейларнинг бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашишди.

Тадбирда уруш қатнашчиси Рофи Пардаев, «Ватанпарвар» ташкилоти фахрийлари Рихсвий Солиҳов ва Хусан Ҳакимовлар сўзга чиқиб, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадри ва аҳамияти, мамлакатимизда ёшларнинг келажақда ўз ҳаёт йўлларини танлашлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталди. Шундан сўнг уруш ва меҳнат фахрийларига «Ватанпарвар» ташкилоти Ўқув спорт-техника клуби томонидан совға-саломлар топширилди.

Тадбир доирасида ёшлар ўртасида ёзги биатлон спорт тури бўйича мусобақа ҳам ташкил этилди. Ушбу мусобақада ғолибликни кўлга киритган коллежлар ва академик лицейлар ўқувчиларидан Назар Юнусов, Абдулазиз Қўчқоров, Ҳасариддин Ҳафизов, Дилноза Маҳаммадхонова, Зухра Бозорова, Мадина Сағдуллаевалар ташкилотнинг фахрий ёрлик, диплом ва қўмбатбох совғалари билан тақдирланди.

– Бугунги кунда муассасамизда ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида спортнинг

техник, амалий-ҳарбий турлари билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган, – дейди ташкилотнинг Маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий-оммавий ишлар бўйича директор ўринбосари Санобар Маматова. – Туманимиздаги вояга етмаган ёшларнинг вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ёзги биатлон, авиамодел, ракетамодел ҳамда пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича тўғаракларимиз хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур тўғаракларга 10–19 ёшдаги болалар қатнашмоқда. Тумандаги 144-ўрта мактаб қошида очилган «Қизлар рақс дастаси» гуруҳи томонидан тайёрланган сахна чиқишлари тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Бу каби тадбирлар юртимиз ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга ҳурмат ва садоқат хислатларини шакллантириш, аҳоли, айниқса, қаҳриқача бўлган ёшларни Ватан ҳимоясига, ҳарбийлик касбига бўлган қўниқма, қизиқишини оширишга хизмат қилади.

Отабек ОТАЁРОВ

Бу Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Шу кунларда ушбу муассасада Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда. «Камолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати,

умумхалқ байрамига бағишланган учрашувлар ва маърифий кечалар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида пансионат тубдан қайта таъмирланди. Хордик чиқариш учун махсус айвончалар, фаворалар қурилди, қўшимча ўриндиқлар ўрнатилди. Ёзги кинотеатр сахнаси фойдаланишга топширилди. Мева ва манзарали дарахт ҳамда турфа гул кўчатлари экилган боғ пансионатга кўрк бағишлаб турибди. Маънавият ва маърифат хонаси, бой китоб захирасига эга кутубхона, дам олиш хоналари нуронийлар хизматида.

Таниқли кардиолог олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Карим Йўлдошев бутун ҳаётини одамлар дардига шифо бағишлашдек олижаноб ишларга бағишлаган, илм-фан тараққиётига, хусусан тиббиётимиз ривожига фидойилик билан бахшида этган инсон эди. Агар ҳаёт бўлганида шу кунларда умрининг саксонинчи баҳорини қаршилаган бўлар эди. Бундай заҳматкаш алломалар ёди, марҳаматли зотларнинг хотира чироғи асло ўчмайди. Тиббиётимиз соҳаси вакилларининг қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган самимий дил сўзлари фикримиз исботидир...

АЖАБ САОДАТ ЭРУР

Малика АБДУЛЛАХУЖАЕВА, Республика патолог-анатомик марказининг директори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

– Таниқли олим, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Карим Йўлдошев йўлдошев олижаноб, эл-юрт ардоқлаган инсон эдилар.

Одатда машҳур кишилар ўта содда, юмшоқ кўнгли, камтар ва камсуқум бўладилар. Карим Йўлдошевда мана шундай инсоний фазилатлар бисёр эди.

Чиндан ҳам Карим Йўлдошевнинг тиббиётимизга қўшган ҳиссаси беқиёс эди. Айниқса юрак фаолияти билан боғлиқ изланишлари, юрак билан тиллашиб, унга сирдошлиги одамлар орасида дoston бўлган эди. Нафақат бизнинг юртимизда, балки хорижий элларда ҳам бу улуг инсоннинг фанимиз тараққиётига қўшган беназир ҳиссаси ҳақида кўп ва ҳўп гапиришди. Ўзбек олимнинг жаҳон фани ривожига қўшган салмоқли улуши, у яратган мактаб доғдори чиндан ҳам ҳар қанча таърифу тавсифга сазовордир.

Одатда шифокорлардан дастлаб талаб қилинадиган нарсаси — қалб кўриниши ва ширин сўзини бемордан аямаслиқдир. Карим Йўлдошев ўзларининг ширин лутфлари билан бемор дардини дори-дармонсиз енгиллаштириб, унинг руҳиятига қувват бахш этар эдилар. Ҳар бир сўзини чуқур ўйлаб гапириш, оғир-вазминлик, ҳамиша табассум, хушмуомалалик сингари хислатлар уларнинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Ўзлаб садоқатли шогирдларини айтмайсизми?! Унинг мураббийлик меҳридан баҳра олган, илм-фанда янгиликлар яратиб, фан докторлари бўлган шогирдлари ўз устозлари ҳақида доимо фахрлиқ гапиришларининг ўзи Карим Йўлдошевнинг меҳридарё устоз эканликлари билан дарак беради.

Халқимизда «Яхшидан боғ қолади» деган ахойиб нақл бор. Академик Карим Йўлдошевдан ҳам падари бузрукворлари каби ўзи танлаган шифокорлик касбига ҳамиша содиқ солиҳ фарзандлар, невараси ва эваралар қолди. Улар оталари ва боболари изидан боришиб, эл соғлигини сақлашдек масъулиятли

Хотира уйғонса гўзалдир

ЮРАК СИРДОШИ

вазифани шараф билан адо этишга салоҳиятларини бахшида қилмоқдалар.

Ҳа, академик Карим Йўлдошевдек баркамол инсоннинг эл-юрт олдидидаги улуг хизматлари асло унутилмайди. Улиғ шоир ва мутафаккир бобомиз Низомиддин Мир Алишер Навоий айтганларидек:

**Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.**

ЭЛИМИЗ АРДОҒИДА

Шавкат КАРИМОВ, Тошкент Тиббиёт академияси ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Россия Тиббиёт Фанлари академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

– Яхшиларнинг иши ва доноларнинг сўзи абадий эсланадиган қадриятлар сирасига қиради. Академик Карим Йўлдошев олижаноб ишлари, фанимиз тараққиётига қўшган беназир ҳиссаси билан эл-юртга танилган олимларимиздан эди.

Маълумки, инсон ҳар доим қимнингидир мададида, маслаҳатига муҳтож бўлади. Шу ўринда Букрот ҳакимимиз «Дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди, қимдир ундан озроқ олиб ўз йўлини ёритишга сарф қилса, фойда олади, қимми кўпроқ олишга интилса қўйиб қолиб ўзига азоб беради», деган гаплари ёдга тушади. Илм, фан йўлидек машаққатли йўлни танлаган Карим Йўлдошевнинг тиббиётимиз равақига йўлида амалга оширган ишларини кўз олдимишга келтирганимизда, мадад ва маслаҳатга муҳтож бўлган одамга фақат яхшиликлар қилиб уларнинг олқисида, ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлганлигига йўмон келтирасиз. Букрот ҳаким айтиб ўтганидек, йўл бошида ёқиб қўйилган оловдан олиб ўз йўлини ёритишга сарф этган, дунё тан берган олимни кўз олдимишга келтирасиз.

Дарҳақиқат, фан йўли сабр-бардошни, тунларни тонларга улаб бирор янгилик яратишни талаб қилдиган йўлдир. Академик Карим Йўлдошев ана шундай йўлни шараф билан босиб ўтган, бутун ҳаётини инсон умрини узайтиришга бахшида этган фанимизнинг атоқли намоёндаси ва улуг сиймоси эди.

Комил инсоннинг бағри кенг бўлади, бундай кишилар одамларга яхшилик қилишни ҳам фарз, ҳам қарз деб биладилар. Карим Йўлдошев ҳам шундай зотлардан эди. У кишидаги босиқлик, вазминлик, ҳар бир сўзини ўйлаб гапириши каби фазилатлар айнан фан фидойисига ярашадиган хислатлар эди.

Ахли донишлар инсон умрини оқар дарёга қиёслайдилар. Чиндан ҳам шундай — умр ўтади-кетди. Лекин ана шу умр эзуғликлар қилишга, меҳр-муруват ва саховат кўрсатишга бахшида этилса нур устига нур бўлади. Академик Карим Йўлдошевнинг ҳаёти, унинг умр дафтари нурли саҳифаларга тўла эканлиги билан ажралиб туради. Ана шундай бахтга муяссар бўлиш катта шарафдир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Карим Йўлдошев ҳақида тўлқинланмасдан, ҳаяжонланмасдан гапириб бўлмайди. Унинг нафақат ўзбек тиббиёти равақига, балки жаҳон тиббиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳар қанча фахрлиқ сўзласа арзийди. Бу мўътабар зотнинг қатор хорижий мамлакатлар фанлар академияларига аъзо этиб сайланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ҳа, академик Карим Йўлдошев том маънодаги етук инсон эди. Атоқли олим кўп қиррали, элимиз ардоғидаги барҳаёт алломадир. Бундай камтарин, мисли оқ қоғоз каби покиса сиймонинг ёди ҳамиша қалбимиз тўрида сақланади.

Сухбатдош Солиҳ ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

салбий оқибатларни енгиллаштириш бўйича самарали чоралар кўришга хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистонда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, мамлакат ва бутун минтақада экологик вазиятни яхшилашга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдим, – деди Люк Гнакджа. – Мамлакатимизда бу борада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро нормаларга мос ҳуқуқий база яратилгани, мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари рўйбга чиқарилаётгани амалда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида ўз зиммасига олган барча мажбуриятларини изчиллик билан бажараётган.

Учрашувда Конвенция котибияти фаолияти ҳамда Ўзбекистондаги экологик йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг Миллий ҳаракатлар дастури амалга оширишдаги иштироки ҳақида батафсил фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА

ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА –
МУВАФФАҚИЯТЛИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАСИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

МДҲ ва Европа мамлакатлари бўйича Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази вице-президенти Н.Боржеллининг айтишича, ҳуқуқий тажриба давомида Ўзбекистон қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга доир нобъ тажрибага эга бўлади. Ҳуқуқий тажриба муайян қонуннинг қабул қилиниши қандай оқибатларга олиб келиши, уни ҳаётга татбиқ этиш давомида яхши натижаларга эришиш учун унинг нормаларига қандай ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги ҳақида билиш имконини беради.

Анжуман қатнашчилари мамлакатимизда бундай тажрибани ўтказиш учун барча зарур ҳуқуқий база мавжудлигини қайд этди. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари жамоатчилигига ҳуқуқий тажриба бошлангани ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очилиғини таъминлаш тартибларининг ўзгариши тўғрисида маълум қилинди. Масалан, янги талабларга бинавон жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун ичида, оммавий ахборот воситаларининг тажриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш ҳақидаги талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда қўриб чиқиши шарт.

Илмий-амалий конференция аъзолари бўйича ҳуқуқий тажрибани ташкил этиш услубларидан фойдаланиш ҳисобидан миллий қонун ижодкорлиги тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сардор ТОҶИЕВ,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнариг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ

ТОШКЕНТ ЦИРКИ

2013 йил 9 май соат 16.00 да

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган махсус дастур намоиш этилади.

Ушбу мавзувий спектаклда «Лабирус» болалар мусиқали жамоаси, Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар ашула ва рақс дастаси, шунингдек цирк артистлари иштирок этади.

Фақат бир кун — барча авлод вакиллари — битта манежда!

«ALFA INVEST» ЁАЖ суғурта ташкилоти томонидан Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги «ALFA INVEST суғурта маркази»га берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактаб томонидан 1976 йилда Маванди Ҳасан Нусерович номига берилган №992261 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, 8-мавзе, 36-уй, 61-хонадонда яшовчи Турдиев Аблобердига тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТнинг Чўлланишга ва қурғоқчиликка қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Люк Гнакджа Ўзбекистон Экологик ҳаракати, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашди.

ЭКОҲАРАКАТДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижрочи кўмитаси раиси Борий Алихонов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида экология муаммоларини бартараф этиш, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

БМТнинг 1994 йилда қабул қилинган Чўлланишга ва қурғоқчиликка қарши курашиш конвенциясини бугунги кунда дунёнинг 194 мамлакатини имзолаган.

Ўзбекистон 1994 йилнинг 7 декабрида мазкур Конвенцияни имзолаган ва 1995 йилнинг 31 августидан бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томони-

дан ратификация қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси унинг миллий ижрочи агентлиги ҳисобланади. Ушбу ҳужжат мажбуриятларини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда 1999 йили Миллий ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Орол денгизининг қуриши оқибатида мазкур денгиз тўбига ҳосил бўлган туз ва чанг бўронлари кўтарилишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддат ичида 200 минг гектардан зиёд майдонга саксовул, черкез каби дарахт кўчатлари, буталар экилди. Ўтган йилнинг ўзидан 240 минг гек-

тардан зиёд ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, чўлланиш, ер деградацияси ва қурғоқчилик жиддий иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида озик-овқат хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Конвенцияга аъзо томонларнинг 2012 йилдаги ҳисоботида кўра, дунёнинг қурғоқчил минтақаларидаги ер деградацияси Конвенцияга аъзо 168 мамлакат ҳудудига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТнинг Чўлланишга ва қурғоқчиликка қарши курашиш конвенциясининг ишлаб чиқиши ва кучга кириши ана шундай

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошлардаги суратларнинг маҳорат билан ишлангани юртимизда қадимдан санъат ва маданият юксак даражада ривожлангани, қоятошлар юзасида муайян даврларга оид маданий босқичларнинг акс эттирилиши аждрларимизнинг кенг тафаккур соҳиби бўлганидан далолатдир.

Сой қирғоқларида қадимда экинзорлар ва сувдан унумли фойдаланиш тизими қўлланилгани ҳудудда деҳқончилик маданияти ривожланганидан дарак беради.

Ушбу гўзал масканда «Асрлар садоси» анъанавий олтинчи маданият фестивалига қизгин ҳозирлик қилинди. Хусусан, ҳудуднинг табиий гўзаллигини янада бойитиш мақсадида сой бўйларига турфа манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди ва гуллар экилди. Миллий маданиятимизнинг асл намуналарини кенг намойиш этиш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни муносиб кутиб олиш ва уларга намунали хизмат кўрсатиш юзасидан ташкилий ишлар уюшқоқлик билан олиб борилади.

Навоий темир йўл вокзали ва Навоий халқаро аэропорти атрофлари байрамона безатилиб, магистраль ва ички автомобиль йўлларида кенг қўламли таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Навбахор, Нурота ва Кармана туманларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, қўлаб савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилди.

... 4 май. Соат 10.00. Яшил гилам ёйган, чор-атроф гулларга бурканган Сармишсойда эрта тонгданок карнай-сурнай, дугор ва чанговузнинг сеҳрли наволари таралиб, ҳамюртларимиз ва хорижий меҳмонларни фестиваль дебачаси — халқ сайлига чорлади. Майдонга бадий-фольклор, миллий рақс жамоалари кириб келди. Шу ернинг ўзига барпо этилган мўъжаз сахналарда ҳар бир бадий жамоа фестивал учун тайёрлаган мусикий дастурини ижро этди. Дорбозлар ўйини, улоқ-қўпқари, қўқор, ҳўрозлар «жанги» фестивалга янада жўшқинлик, бетакрор миллий руҳ бағишлади.

Бир қатор хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро туризм ярмаркаларида «Асрлар садоси — 2013» анъанавий маданият фестивалининг тақдимотлари ўтказилиб, ушбу ижодий лойиҳа ҳақида хорижликларга атрофлича маълумотлар берилган эди. Бу фестивалда иштирок этиш орқали табаррук заминимизни ўз кўзи билан кўриш, анъана ва қадриятлари, маданияти, самимий ва бағрикенг халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш истагини билдирган меҳмонлар сафининг тобора кенгайишида муҳим омил бўлди. «Асрлар садоси» фестивалининг асосий тадбирлари билан ҳамюртларимизни кенгрок таништириш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Туркистон» саройида мазкур лойиҳа доирасидаги гала-концерт намойиш этилди.

...Сармишсойда шўх куй-қўшқилар янгради. Халқ амалий санъати усталари ижодида бағишланган ярмарка бўлиб ўтди. Фестиваль учун ҳозирланган махсус расталарда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган халқ амалий санъати усталари, моҳир хунармандлар, уларнинг шоғирдлари ўз ижод намуналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Нурота каштачилиги, ёрқин ва бетакрор либослари, нақшинкор дўппилари, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошлиқнинг миллий хунармандчилигимизда алоҳида ўрни бор.

Махфират Тўракулова нуроталик чеварларнинг туртинчи вакили. У ўн еттинчи асрга оид Нурота каштачилиги намуналарини қайта тиклашга муваффақ бўлган. Чевар қизининг кўз нури, қалб кўри, алоҳида меҳр ва маҳорат билан тиккан сўзана, дўппи, камзул, турфа либослари ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонларга жуда манзур бўлди.


— Мамлакатимизда миллий хунармандлик ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор самарасида маҳаллаимиз миллий хунармандлик марказига айланиб бормоқда, — дейди Махфират Тўракулова. — Бу ёшларнинг аждрларимиз касб-корига бўлган қизиқиши ва ҳавасининг тобора ортиши, уларга касб-хунар ўргатиш, вақтини унумли ва мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Сармишсойда шўх яллалар янграб, жозибали рақслар авж олди. Юртимизнинг турли вилоятлари мусикий меросини намойиш этувчи ўттизга яқин фольклор жамоа, бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг мазкур тадбирга бағишлаб тайёрлаган ранг-баранг дастурлари фестивалга янада кўтаринчилик, завқ бағишлади.

— Ушбу фестиваль давомида ўзбек миллий анъана ва қадриятларининг асрлар оша аждрлардан авлодларга эъозланиб, тобора сайқалланиб келаётганига гувоҳ бўлдим, — дейди Лувр музейининг Шарк маданияти ва санъати бўлими раҳбари Ронте Рокко (Франция). — Жаҳонда анъанавий маданиятга оид фестиваллар, танловлар кўп. «Асрлар садоси» ўзбек халқининг юксак маънавияти, ижодий-интеллектуал салоҳияти, бетакрор ва бой маданий меросининг ёрқин кўзгуси сифатида барчани ҳаяжонга солади. Сармишсойдаги мана бу тошларга ёзилган битиклар, суратлар, бу ерда ўтган фестиваль тадбирларидан буни яққол кўриш мумкин.

САРМИШСОЙ:

АСРЛАРНИНГ БОҚИЙ САДОСИ



Санъат байрами доирасида Бухоро шаҳрида «Ўзбекистон маданий ва маънавий меросида меъморий битикларнинг ўрни: тадқиқот, кашфиёт ва истиқбол» мавзусидаги халқаро анжуман бўлиб ўтди. Манбашунослар, археологлар, меъморлар, олим ва экспертлар, хаттотлар, ноширлар, хорижлик мутахассислар қатнашган мазкур тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағармаси томонидан маънавий меросимизни тадқиқ этишга оид лойиҳа жараёнлари атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган экспедицияларда қўлаб зиёратгоҳлар, ёдрорликлар пештоқидаги мингга яқин ҳикматли сўзлар ўрганилди. Айрим обидалардаги хира торган ёзувлар қайта тикланди. Изланишлар натижасида жамағарма томонидан нашр этилган «Шарк хаттотлиги ва миниатюра санъати намуналари. VII-XI асрлар», «Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар» китоб-альбомлари Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи галерейсидан ўрин олиб, Россия, Бирлашган Араб Амириликлари, Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро китоб-ярмаркаларида бир неча номинациялар бўйича махсус диплом билан тақдирланди. Тадбир доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағармасининг меъморий обидаларни ўрганишга оид лойиҳаси доирасида нашр этилган олти китобнинг тақдироти ҳам ўтказилди. Китоблар Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Хива, Қорақалпоғистон ҳудудларида қадимий обидаларда муҳрланган битикларни ўрганишга бағишланган.

Шу кун Когон туманидаги Баҳауддин Нақшбанд ёдрорлик мажмуасида «Меҳр нури» жамағармаси томонидан қайта таъмирланган «Биби Орифа» меъморий обидасининг тақдироти бўлиб ўтди. Айни пайтда Маънавий билимларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ихтисослаштирилган таълим даргоҳларининг 20 нафар ихтидорли талабасига стипендиялар топширилди.

— Мамлакатингиздаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт, Ўзбекистоннинг тараққиёт сари дадил одимлаб бораётгани, маънавият ва маърифат ривожига йўлида кўрсатилган улкан эътибор шу каби ёрқин фестивалларнинг юксак савияда, шоду хуррамлик билан ўтказилишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди италиялик хонанда Массимо Гальфано. — Бу табаррук заминдаги файзли ва обод, гавжум масканлар, халқингизнинг самимий, очик ва бахтиёр чехраси, юз-кўзидаги шукроналик туйғусига жуда-жуда ҳавасим келди. Италияга қайтгач, гўзал Ўзбекистон ҳақида қўшиқ яратмоқчиман.

5 май кун Сармишсой дарасида халқ сайиллари, кўргазма-ярмаркалар, полвонлар кураши, миллий ўйинлар, фольклор жамоаларининг чиқишлари, бахшилар ижролари, лапар ва айтишувлар давом этди. Ўзбек пазандалик мактабининг бой анъаналарини намойиш этувчи Миллий таомлар фестивали ҳамда ошпазлар мусобақаси бўлиб ўтди.

Фестивалнинг ёрқин тадбирларидан яна бири — Миллий либослар намойишида ўзбек миллий либосларининг тарихи, қадимдан шаклланган анъаналари, бугуни ва истиқбол ҳақида маълумот берилди. Либосларнинг Зарафшон воҳасига хос жиҳатлари — яшил, зангори, бинафша тусли, ўзига хос бичими, гўзал нақш каштали кийимлар билан бирга анъанавий либослар, замонавий мода намойиши фестивал иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— «Асрлар садоси» ижодий лойиҳаси мазмун-моҳияти, аҳамияти, тадбирлари қўламининг ғоят кенглиги ва ранг-баранглиги билан мени мафтун этди, — дейди Канада университетини профессори, тарихчи олим Давид Схimmelъэннинк ван дер Ойе. — Изчил тараққий этаётган, тобора чирой очиб бораётган Ўзбекистонда ибратли анъана ва қадриятлар бардавомлигини таъминлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор барчанинг ҳавасини тортмоқда. Буларнинг бари Ўзбекистоннинг истиқболга янада буюк эканидан далолат беради.

Кўхна тарих, қадимий ва бой маданий меросни ўз бағрида сақлаб келаётган Сармишсойга оқшом тушди. Рангин чироқлар, турфа безаклар бу масканга ўзгача шукх, байрамона кайфият бағишлади. Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағармаси Васийлик кенгаши раиси Г.Каримова илм-фан, санъат ва маданият, маънавият ва маърифат муттасил ривожланиб бораётган мамлакатимизда «Асрлар садоси» каби фестивалларнинг юқори савияда, байрамона руҳда ўтказилиши янгидан-янги ижодий лойиҳалар, изланиш ва тадқиқотларни олиб бориш, бой маънавий меросимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги нуфузи ва обрўсини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Фольклор жамоалари, турли танловлар ғолиблари — ижрочи ёшлар, санъат усталари, хорижлик хонанда ва созандалар иштирокидаги катта концерт тадбир қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди. Фестивалнинг энг фаол иштирокчиларига диплом ва совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
Нуриддин РАҲИМОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Спорт янгилликлари

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Ҳиндистонда ўтказилган эркин ва юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионатида юртимиз спортчилари муносиб иштирок этишди.

Қитъамизнинг энг кучли кураш усталари иштирокида уюштирилган ушбу нуфузли турнир мурасасиз курашларга бой кечди. Қизиқарли ўтган мусобақа якунида юнон-рум кураши бўйича ҳамюртларимиздан Элмурод Тасмуродов ва Руслан Аксакаевнинг ўз вазн тоифаларида барча рақибларини енгиб шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллашганликлари мамлакатимиз спорт муҳлисарида катта қувонч бахш этди. Шунингдек, бир нечта спортчиларимиз совриндорлар сафидан ўрин олишди.

Кун кеча Тошкентда қиличбозлик билан шуғулланаётган спортчилар ҳамда мураббийлар иштирокида ўқув-йиғин машғулотлари ва семинар ташкил этилди.

ҚИЛИЧБОЗЛАРНИНГ МАҲОРАТИ ОШАДИ

Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси ва Республика қиличбозлик маркази ҳамкорлигида уюштирилган машғулотлар ва семинардан асосий мақсад қиличбозлар, мураббийларнинг малакасини ошириш, уларни қиличбозлик бўйича

жорий этилаётган янги қоидалар, янгилликлардан бохабар этишдан иборат.

Албатта бу тадбир ёшлар орасида қиличбозликка бўлган қизиқишни янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида 1993-1996 йилларда туғилган ёшлар ва ўсмирлар ўртасида белбоғли кураш бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари мамлакатимиз ёшлари орасида ушбу спорт тури жадаллик билан оммалашиб бораётганлигини яна бир қарра исботлади.


ПОЙТАХТ ВАКИЛЛАРИ — СОВРИНДОР

Чунки ушбу беллашувларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларида келган ёш полвонлар турли вазн тоифаларида ғолиблик учун мурасасиз кураш олиб боришди. Шунга таъкидлаш жоизки, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирувчи белбоғли курашнинг бошқа ҳудудларга нисбатан Фарғона водийси ҳамда Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида анча ривожланганлиги барчага маълум. Чунки мамлакатимиз миқёсидаги турнирларда совринли ўринларга асосан юқорида номлари қайд этилган вилоятлар спортчилари даъвогарлик қилишар эди. Бу сафар эса белбоғли курашнинг бошқа ҳудудларда ҳам оммалашаётганлиги маълум бўлди. Чунки совринли ўринлар учун бахслар мурасасиз кечди. Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида шохсупанинг энг юқори поғонасини Қашқадарё вилояти жамоаси эгаллаган бўлса, фахрли иккинчи, учинчи ўринлар Самарқанд вилояти ҳамда Тошкент шаҳри жамоаларига насиб этди.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Жорий йилда футбол бўйича ёшлар ўртасида уюштирилаётган жаҳон чемпионатида Португалияда тайёргарлик кўраётган Аҳмадjon Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Португалия ёшлар терма жамоасига қарши икки марта нозорат-ўртоқлик учрашувларида куч синашиб, муҳлисларни хурсанд қилди.

Дастлабки учрашувда кўтаринки руҳда майдонга тушган ёш футболчиларимиз 90 дақиқа давомидида тўлиқ ус-туңликка эришишди ва якунда 2:0 ҳисобда зафар қўчиди. Мезбонлар дарвозасига голларни Абдулазиз Юсупов ва Аббос Махталиев киритишди. Иккинчи баҳс тенгма-тенг курашлар остида кечди ва якунда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Ҳамюртларимиздан Аббос Махталиев гол муаллифи бўлди. Акбар Йўлдошев



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ўзи ишламаган бошқани ҳам йўлдан уради.

Ибтидоси борнинг интиҳоси ҳам бор.

Вақтнинг муҳрини ўзгартириб бўлмайди.

Оила биносини кундалик жанжаллар емиради.

Кимга нима берсанг, ўшани оласан.

Ўзи бировга бир нима бермай бошқалардан кутиш таъмагирликдир.

Ғийбат тухматнинг бир шакли.

Кимнинг аслида кимлигини кўзига қараб билиш мумкин. Афсуски, биз кўзларни ўқимаймиз.

Иккинчи марта ҳам адашдингми, айб ўзингда.

Инсон ҳамма нарсага тайёр туриши керак.

Ким учундир оддий бўлган нарса кимнингдир тақдирини ҳал қилиши мумкин.

Дунёдаги ҳар қандай молнинг ҳам ўз харидори бор.

Қайғу асабни, асаб вужудни чарчатади.

Мингларни ўйламай совурган бирларга зор бўлади.

Ҳаётдан ўтар муаллим йўқ.

Одамни дард емиради.

Кўнгил торлиги доимий дилсиёхлик дегани.

Бу дунёда бахтли одам — болаларидан тинган одам.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Бокқўча кўчаси, 1-уй, 80-хонадонда яшовчи Раҳматов Камолдин Каримбердиевичга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

дузи — 30-32 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 8 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратилди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз қўлайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент Оқшом

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541



Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр қурсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11938 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.30